

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 май куни Оқсаройда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Эдгарс Ринкевичсни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мунтазамлик касб этган кенг қўламли Ўзбекистон-Латвия давлатлараро мулоқоти нафақат икки ва кўп томонлама аҳамиятга молик амалий масалаларни кўриб чиқиш, балки долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан очикча фикр алмашиш ва уларни баҳолаш учун ҳам имкон яратётганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик, жумладан, "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" алоқалари, халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасидаги муносабатлар бўйича салмоқли тажриба тўплаган.

Латвия Ўзбекистон билан савдо алоқалари ҳажми бўйича ЕИга аъзо давлатлар орасида учинчи ўринда туради. Бунга ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. 2012 йил якуни бўйича бу борадаги кўрсаткич 243,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорлик ҳамда томонларнинг йирик транзит салоҳиятини ишга солиши Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Эдгарс Ринкевич самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Латвия раҳбарияти мамлакатимиз билан кўп қиррали ҳамкорликни узоқ муддатли ва прагматик асосда янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА



Асосий эътибор — “электрон ҳукумат” га

“Ўзэкспомарказ”да ҳар йили ўтказиб келинадиган дастурий маҳсулотлар кўргазмаси ва мамлакатимиз дастурчилари форуми бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қўмағида ташкил этилди.

Ўзбекистонда дастурий маҳсулотлар бозори жадал суръатда ривожланмоқда. «Best Soft Uzbekistan — 2013» кўргазмаси бунинг ёрқин исботидир.

Унинг экспозицияси йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили кўргазмада қарийб 40 миллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчилари иштирок этиб, ўзининг 80 дан ортиқ ишланмасини намойиш этган бўлса, бу йил 60 га яқин компания қарийб 120 дастурий маҳсулотни тақдим этди.

Мазкур «Best Soft Uzbekistan — 2013» кўргазмаси доирасида давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг янги шакли — ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳисобидан ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолияти натижалари

ҳақида ахборот олиш тезкорлиги ва қулайлигини таъминлайдиган “электрон ҳукумат” тизимини жорий этишга алоҳида эътибор берилётганини таъкидлаш жоиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда “электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг мамлакатимизда давлат бошқарувининг барча жабҳасига ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этишга доир амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тақозо этмоқда. Айни пайтда давлат ҳокимияти органлари томонидан веб-сайтлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумат порталида (www.gov.uz) 400 дан ортиқ интерфаол хизматлар кўрсатилди.

Кўргазма доирасида Адлия ва Халқ таълими вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси,

Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси ва бошқалар ўзининг интерфаол хизматларини намойиш этаётди.

Давлат органлари томонидан аҳоли ва хусусий секторга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш истиқболлари билан дастурчилар форумида танишиш мумкин. Форумда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасининг етакчи мутахассислари қатнашмоқда.

Уни ўтказишдан кўзланган мақсад «электрон ҳукумат»ни шакллантириш ва такомиллаштириш, дастурий таъминот соҳасини, тармоқни ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий базани, шунингдек, IT-мутахассисларни тайёрлашни институционал қўллаб-қувватлаш масалаларини муҳокама этишдан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2013/2014 ЎҚУВ ЙИЛИДА
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА
ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни, республика минтақалари иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-ҳунар коллежлари бити-

рувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 26 та касб-ҳунар коллежини қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари қабул қилинсин.

2 ➤

Қўшимча қувватлар ва янги иш ўринлари

ЖИЗЗАХ. Дўстлик туманидаги “Дўстлик толаси” масъулияти чекланган жамияти фаолият турини кенгайтириб, вилоят марказида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди.

— Технологийнинг ихчам ва тежамкорлиги аҳолига арзон ва сифатли маҳсулот етказиб беришда муҳим омил бўла-
япти, — дейди жамият раҳбари Олимжон Тошбеков. — Ҳар куни истеъмолчиларга 2 минг дона қолипни нон ва қандолат идишларда қандолат

маҳсулотлари тайёрлаб бера-
ялмиз.

Жамият негизда тикувчилик цехи ишга туширилгач, ишчилар сони 2,5 баробарга ортиб, 25 нафарга етиши кутилмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ

Тарих сабоқлари — ҳушёрлик сабоқлари

Муносабат

Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан қилган суҳбатда давлатимиз раҳбари мустақил мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, шунингдек, жаҳонда ва ён-атрофимизда юзага келган вазият ҳақида ўта муҳим ғоя ва ҳулосаларни баён этди.

3 ➤

Амалий ишлар — сайловчилар ишончи гарови

Депутат аралашуви билан

45-Чироқчи сайлов округидаги «Бешчашма» фермер ҳўжалиги ҳудудидаги йўлларнинг носозлиги бўйича фуқаролардан келган мурожаат юзасидан туман йўллардан фойдаланиш, таъмирлаш пудрат корхонасига депутатлик сўрови билан чиқилиб, масала ижобий ҳал этилган бўлса, «Кўкдала» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг электр таъминотида учраётган узлишлар ҳақидаги аризаси депутат бошчилигида бориб ўрганилганда муаммо икки томонлама эканлиги аниқланди.

4 ➤



Оила билан боғлиқ қонунчилик кучайтирилди

Депутат минбари

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Оила муносабатлари билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг асосий мақсади — жамиятнинг бир бўлаги бўлган оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳурмат, ҳамжиҳатлик асосида қуриш, оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоясини таъминлашдан иборат.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг жамиятнинг муҳим бўлини сифатидаги ўрни ҳамда давлат муҳофазасида эканлиги, оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар эса, ўз ота-оналарига ғамхўрлик кўрсатишга мажбурлиги, оналик ва болалик давлат томонидан ҳимояланиши белгилаб қўйилган.

5 ➤

“Адолат”нинг адолатли аёллари

Ишончга муносиб бўлиш — бахт

Янгиариқлик Барногул Сапаева партиявий ишларга масъулият билан ёндошиб, бугун қўйи бўғинда Ўзбекистон “Адолат” СДП сафларини сон ва сифат жиҳатидан янада яхшилашга эришмоқда, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этапти. У етакчилик қилаётган ҳудудий ташкилот

мана бир неча йилдирки, Хоразм вилояти партия Кенгашида ўз ўрни ва мавқеига эга.

— Адолат — ҳаётимнинг бош мезонига айланган, — дейди у. — Мен туғилган оила, ўсган муҳит, яшаётган жамият адолатни ўзига шиор қилган. Қолаверса, атрофимдагиларнинг кўпчилиги ўз ҳаётларини адолат билан боғлаган, уни умрининг мазмунига айлантирган. Адолатли бўлиш, адолатли турмуш кечириш ва адолатли яшаш аслида ҳар бир инсоннинг юксак орзуси.



5 ➤

Ҳуқуқ

Ватан тараққиётига камарбаста

Жараён


Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мамлакатимиз мустақиллиги билан тенгдош ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий фаолият йўналиши давлатимиз хавфсизлиги, унинг қурол-қўлларни, мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, кенг халқ оммаси, хусусан, ёшларни Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлашдир. Шунингдек, ҳарбий ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, техник мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимлар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, янги иш жойларни ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашда давлат ташкилотларига яқиндан кўмаклашаш ташкилотнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Сергели ўқув спорт-техника клуби» нодавлат таълим муассасаси ҳам бу борада муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Айни пайтда улар ўз фаолиятини Мудофаа, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, ҳокимият ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан назарий ва амалий асосда ташкил этганлар.

— Ташкилотимиз қаҳриқча бўлган ёшлар ўртасида турли мусобақалар ўтказиш, уларни юрт мудофаасига тайёрлаш

мақсадида турли ватанпарварлик тадбирларини ташкил этиш билан бирга оммавий касб ходимларини тайёрлайди, — дейди директор вазифасини бажарувчи Зафар Мирзаев. — Хусусан, таълим муассасамиз оммавий-техник касб ходимларини, жумладан, «В» тоифадаги ҳайдовчилар учун 3 ой, «ВС» тоифадаги ҳайдовчилар учун 5 ой, «С» тоифага қайта тайёрлаш учун 1,5 ой муддатларда ўқитишни амалга оширади. Ўқитиш эрталабки, кечки ва кундузги вақтларда режа асосида олиб боришмоқда.

Айни пайтда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Сергели ўқув спорт-техника клуби» нодавлат



Хусан АСРОРОВ

таълим муассасасида 8 нафар малакали ўқитувчи, 14 нафар инструкторлар ўқувчиларга назарий ва амалий билимларни бериб келмоқда. Фарход Холмирзаевнинг ушбу ташкилотда ўқитувчи вазифасида ишлаётганига қисқа муддат бўлган бўлса-да, ўзининг ҳаракатчанлиги, билимдонлиги ва ҳушмуомалалиги боис жамоа, қолверса, ўқувчилар ўртасида ҳам ҳурмат қозонди. Унинг назария ва амалиётнинг бир-бирига уйғунлиги принциплари оммавий-техник касб ходимларини тайёрлашда доимо асқотмоқда.

— Фаолиятимизни замон талабларига мувофиқ равишда олиб боришга ҳаракат қилолдамиз, — дейди Ф. Холмирзаев биз билан суҳбатда. — Шу сабабли жамоамиз ходимлари мудом изланишдан, соҳамиздаги янгиликларни ўрганишдан, уларни амалиётга татбиқ этишдан асло чарчашмайди.

Шунингдек, ташкилотдаги Махмуд Мирзаев, Хайридин Холтоев каби иқтидорли, билимдон ўқитувчилар, Мурод Мўминов, Иброҳим Атабоев каби куюнчак йўриқчи-инструкторлар меҳнати ҳам таҳсинга лойиқ.

Давур ЖОЗИЛОВ

Сўранг, жавоб берамиз!



Бир йил оғир касалликка чалинган вақтида яқин қариндошим йўқлиги сабабли қўшним ҳар куни аҳволимдан хабар олиб турди. Ҳозир соғайганман, менга ёрдам берган қўшнимга уйимни ҳадя қилмоқчиман. Ҳадя шартномаси ҳақида маълумот берсангиз?

Б.Солиев,
Пахтакор тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддасига асосан, Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки унинг шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки унинг шахс олдиданги мулк мажбуриятдан озод қилади ёки ошод қилиш мажбуриятини олади.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки бирон-бир шахсини мулк мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажикда аниқ шахсга ашё ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки уни мулк мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси, деб тан олинади.

Ашё, мулк ҳуқуқини ёки мулк мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадя нарсасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисmini ҳадя этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Менга танишим автомобиль ҳадя қилмоқчи. Ўзимнинг автомобилим борлиги сабабли танишимнинг ҳадясини қабул қилмоқчи эмасман. Айтингчи, ҳадяни рад этса бўладими, шу ҳақда маълумот берсангиз?

Ж.Хидиров,
Зомин тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 503-моддасига асосан, ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Агар ҳадя шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳадяни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадя қилувчи ҳадя олувчидан ҳадяни олишни рад этиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Мен танишимга автомашина ҳадя қилган эдим, лекин у автомашинани яроқсиз аҳволга келтирмоқда. Мен ҳадя шартномасини бекор қилсам бўладими?

П.Азизов,
Бахмал тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 507-моддасига асосан, ҳадя олувчининг ҳадя қилувчи учун катта номулкий қийматга эга бўлган ҳадя буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадя бекор этилишини суд тартибиде талаб қилишга ҳақли.

Саволларга Пахтакор туман ДНИ нотариуси
Абдуҳаким НОҒБОЕВ жавоб берди.

Жиноят иши ҳаракатдан тугатилди

Адолат тарозиси

Ота-болога алоқадор бу жиноят иши Жиноят ишлари бўйича Жиззах туман судининг очик суд мажлисида бўлиб ўтди. Айбланувчилар содир этган қилмишларидан пушаймонда эканини, одил суд томонидан амнистия қўллоб, уларни жазодан озод этишларини сўради...

Воқеа эса шундай бўлган эди.

Туманимизнинг «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи Назарбек (исми ўзгартириб берилмоқда) бобонинг уйига электр энергиясидан фойдаланиш қонунчилигини ўрганиш мақсадида туман электр таъминоти корхонасидан бош муҳандис ва назоратчилар ташриф буюришди. Уй эгаси ва унинг 1985 йилда туғилган ўғли назоратчиларнинг қонуний талабларига қаршилик кўрсата бошлади. Ўғли муҳандисни уриб, жисмоний жароҳат етказди.

Муҳандиснинг енгил тан жароҳати олганини судга оид тиббиёт экспертизаси ҳам тасдиқлади.

Оила бошлиғи 1934 йилда туғилган, ўндан ортик фарзанди бор. Бундай олиб қаралганда, пиру бадавлат нуроний десак арзийди. Кўпни кўрган, шунча фарзандни дунёга келтириб воёга етказган, кези келганда уларга тарбия ва ўғитлар берган кишининг қилмишига қандай баҳо бериш мумкин? Саксон ёшга қаршилаётган Назарбек бобо ўзи бош бўлиб назоратчиларни зўравонлик билан ҳовлидан чиқариб юборган. Аммо бундан қаноатланмаган зўравон ўғли муҳандис ўзи билан олиб борган «Сапо» русумли видеокамерани қўлидан тортиб олиб, синдириб ташлаган ва 1 990 000 сўмлик мулк қазар етказган.

Айбланувчилар содир этган қилмишларининг жиноят эканлигини билганларидан кейингина афсусланишди, қилган ишларидан пушаймон бўлишди. Ота-боло шу тариқа ўзларига нисбатан амнистия қўлаб, 2012 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги Қароридеги тааллуқли бандига асосан жиноят иши ҳаракатдан тугатишни сўраб судга муурожаат қилишди. Азалий бағрикенглик, кечиримлилиқка йўғирилган қонунларимиз асосида уларнинг мазкур талаблари инобатга олинди ва суд ажридан чиқарилди.

Суд ўз ажримиде жоҳиллик оқибатида муҳандисга етказилган моддий ва маънавий зарарларни айбланувчилар ҳисобидан ундириш юзасидан фуқаролик тартибиде даъво қилиш ҳуқуқини борлигини тушунтирди. Ўзини идора қила олмаслик ва қонунларга бўйсунмаслик ана шундай ташвишларни келтириб чиқаради.

Фарход БОБОНИЁЗОВ,
Дўстлик туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси

Сиз қонунни биласизми?



М.ХАБИБУЛЛАЕВ (ўзга)



Ҳамкорларимиз фаолиятидан

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иш-тироқини янада жонлантириш мақсадида қонун тарғиботи бўйича жорий йилнинг апрель ойдан бошлаб йил давомида Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси орқали тайёрланган видеороликни кунига икки марта соат 19¹⁰ ва 21¹⁰ да кўрсатиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИХҚҲЖ Федерацияси томонидан "Нукус FM" радиосида аудио ролик ташкил этилиб, кунига 3 марта соат 10¹⁵, 14¹⁵ ва 16¹⁵ ларда эшиттирилаётганлиги истеъмолчиларни соҳага оид қонун-қоидалардан воқиф қилиш билан бир қаторда, савдо-сотик, коммунал, тиббий, почта-алоқа хизматларида ҳамда маиший сервис соҳасида кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланганда қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга экани ҳақида маълумот бераётганлиги эътиборга моликдир.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навоий шаҳар, Пушкин кўчаси, 8-б уй, 6-хонадонда яшовчи фуқаро Искандар Шоназаров Навоий шаҳар буюм бозоридеги 111-сонли савдо дўконидан кичик ҳажмли телевизор сотиб олгани ва телевизор яроқсиз чиққани, лекин сотувчи уни қайтариб олмаётганлиги тўғрисида Навоий вилояти ИХҚҲЖ ҳудудий бирлашмасига шикоят аризаси билан муурожаат қилган.

Навоий шаҳар, Навоий кўчаси, 43-уй, 51-хонадонда яшовчи Лола Жабборовна Янгйибозор ёнидаги маиший техника савдо дўконидан "Брюса" музлатгични 3 йилга қафолат муддати билан сотиб олган. Қафолат муддати тугамасдан музлатгичнинг мотори куйган.

Ўрганишлар натижасида муаммолар бартараф этилиб, истеъмолчи ва сотувчиларга амалдаги қонунлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ҳадемай жазираме ёз фасли ҳам кириб келади. Мана шундай дамларда чанқоғингизни яхна ичимлик ёхуд музқаймоқ билан қондириш кишига ўзгача роҳат бағишлайди. Бугунги кунда бундай қадокланган маҳсулотларни ҳар бир савдо шохбчаларида учратишингиз мумкин.

Аммо ишлаб чиқарувчилар томонидан кенг истеъмолга чиқарилаётган ранг-баранг салқин ичимликлар, музқаймоқ маҳсулотларининг сифати, яроқлилиқ муддати ҳамда улар билан савдо қилиш жараёнлари «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда кўрсатилган талабларга нечоғлиқ жавоб беради?

Яқин кўнларда, қўчаларимизда, музқаймоқ, сотиш ишлари, янада жонланиб кетади. Бироқ музқаймоқларнинг яроқлилиқ муддати кўрсатилганини топиш қийинлигини барча истеъмолчиларимиз яхши биладилар. Бу камчилик фақатгина музқаймоққа тегишли, деб айтолмаймиз. Шунинг учун ҳам озик-овқат маҳсулотларини харид қилаётганингизда маҳсулотга ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилиқ муддати, уни қандай шароитда сақлаш тўғрисидаги маълумотларга эътибор беришингизни сўраймиз. Бу эътибор нафақат ўз соғлигингиз, балки келажак авлод соғлиғига ҳам бефарқ эмаслигингизни кўрсатади. Иложи борича штрих қолди маҳсулотларни харид қилганингиз маъқул. Унутманг, харид жараёнида маҳсулотни ишлаб чиқарувчи тўғрисида маълумотни, унинг мувофиқлик сертификатини сўрашга ҳақлисиз.

Ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилиқ муддати кўрсатилмаган товарларни реализация қилиш ва сотишга қабул қилинган учун товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи тегишли давлат бошқаруви органларининг ушбу товарларнинг истеъмол қилиш учун қабул қилинган товар ҳажмининг юз фоиз, бироқ энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган миқдориде; яроқлилиқ муддати ўтган товарларнинг реализация қилишга ва сотишга қабул қилинганлик учун реализация қилишга қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдориде, бироқ энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан кўп бўлмаган миқдориде; истеъмолчилар ҳуқуқининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товланганлик ёхуд ўз вақтида бажармаганлик, шунингдек, уларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун юридик шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдориде, жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси магбуот маркази

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур танловда шаҳар, туман ҳамда минтақавий босқичларда ғолиб бўлган тўрт жамоа иштирок этди.

Танловда иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила ва Меҳнат кодексларининг ёшларга оид бандлари ҳамда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар, сайловчиларнинг ҳуқуқлари, виждон эркинлиги, аҳолини иш билан таъминлашга оид қонунлар, ҳукумат қарорлари бўйича ҳуқуқий билим даражаси савол-жавоблар орқали аниқланди. Ўқувчилар томони-

дан намоиш этилган тергов ва суд жараёнларида оид саҳна кўринишлари асосида уларнинг ўз ҳуқуқий билимларини амалда қўллай олиш қобилияти синовдан ўтказилди.

Танловда Нукус ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежининг "Адолат қалқони" жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, мамлакат босқичига йўланма олди. Иккинчи ўрин Қораўзақ иқтисодиёт ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг "Фемида" жамоаси, учинчи ўрин эса Шуманай педагогика коллежининг "Адолат" жамоасига насиб этди.

Ғолиб жамоаларга танлов ташкилотчиларининг совгалари ва дипломлар топширилди.

А.ОРИҚБОВ,
ЎЗА мухбири

Суратда: Шуманай педагогика коллежининг "Адолат" жамоаси.

Фарзандликка олиш: миллий ва халқаро тажриба

“Adolat” шарҳи

Бола азиз. У ҳар бир оиланинг давомчиси, бахти ва камолдир. Бироқ ҳаётда фарзанд айрим сабабларга кўра ўз ота-онаси ёки бошқа яқинларининг меҳри ва ёрдамисиз вояга етиши мумкин.

Юртимизда ана шундай болаларни ҳеч кимдан кам қилмай камол топтириш, улар учун оила муҳитига яқинлаштирилган шароит яратиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда уч ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган 13 та “Ўдақлар уйи”, 25 та “Меҳрибонлик уйлари”, 2 та “Болалар шаҳарчаси” мавжуд. Бу масканларда тажрибали педагог ва тиббиёт ходимларидан иборат мутахассислар тарбияланувчиларга ҳар томонлама қулай ва шинам яшаш шароитларини яратиш беришмоқда. Айни пайтда боланинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб ўсишида оиланинг ўрни алоҳида.

Халқимиз азалдан болажон. Орамизда давлат қарамоғидаги болаларни ўз оиласига фарзандликка олаётган саховатпеша инсонлар ҳам кўп учрайди. Шу билан бирга, жорий йилнинг 1 май куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга асосан Оила кодексининг “Фарзандликка олиш тўғрисида”ги бобига сезиларли даражада ўзгартириш киритилиши фарзандликка олиш наётган боланинг манфаати янада ҳимоя қилиниши, фарзандликка олувчиларнинг халқона айтганда, сараги саракча, пучаги пучакча чиқарилишига хизмат қилади.

Бундан буён фарзандликка олишни истаган фуқаролар фарзандликка олиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан аввалгидек туман, шаҳар ҳокимига эмас, балки боланинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманларо, туман (шаҳар) судига мурожаат қилади. Қонунда ариза бериш, унинг мазмуни, аризага илова қилинадиган ҳужжатлар, ишни судда кўришга тайёрлаш, ишни кўриш, суднинг ҳал қилув қарори, фарзандликка олишнинг бекор қилиниши тартиби сингари ўзгартирилган ва қўшимчалардан иборат моддалар ўрин олган.

Таассуфки, ўз зурриятини ташлаб кетадиган ота-оналар ҳам ҳаётда учраб туради. Шундай ота-оналар фарзанди вояга етгунга қадар алимент тўлаб боришининг аниқ механизми, бола вояга етганида ўзининг номига очилган банкдаги ҳисоббаракатга тушган маблағини олиши тақомиллаштирилди. Қолаверса, ака-ука ва онасингиллар турли шахслар томонидан фарзандликка олини-

шига йўл қўйилмаслиги, фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олиниши каби ўзгартириш ва қўшимчаларнинг барчаси замирида бола манфаати ҳимояси мақсади мумкин.

Ота-она қарамоғида бўлмаган болаларни фарзандликка олиш тартибининг халқаро тажрибасига эътибор қаратайлик. Буюк Британияда бола ҳуқуқ ва манфаати давлат ва жамиятнинг диққат-эътиборидаги муҳим масалалардан ҳисобланади. 1976 йилда қабул қилинган “Фарзандликка олиш ва бола тўғрисида”ги қонун 2002 йилда янгиланди. Эндиликда бола нафақат янги оиласи билан, балки туғилган оиласи билан ҳам алоқани ўз-маслиққа ҳақли. Ирки, миллатидан қатъий назар жисмонан ёки руҳан заиф болалар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи рухсати билан фарзандликка олинadиган бўлди. Шунингдек, қонунда бирга яшаётган, бироқ оила сифатида қонуний қайд этилмаган жуфтлик, никоҳ қурмаган ёлғиз фуқароларга ҳам фарзандликка олиш рухсат берилиши белгиланган.

Францияда эса фарзандликка олишнинг икки шакли мавжуд: фарзандликка бутунлай олиш, фарзандликка оддий олиш. Фарзандликка оддий олинган бола янги оиласида яшаб туриб, ўзининг ҳақиқий отаси ёки онаси билан алоқани давом эттириши, учрашиб туриши мумкин. Оддий шаклда фарзандликка олинган бола фарзандликка олувчининг мол-мулкига эга бўлолмайди, унга нисбатан ҳуқуқий мажбуриятни зиммасига олмайди.

Бу каби фарзандлик бола 15 ёшга тўлганида ёки балоғат ёшига етганида фарзандлик-



ка олган шахслар ёки уни дунёга келтирган оиласи хоҳиши ва прокурорнинг рухсатига кўра бекор қилиниши мумкин.

Бутунлай фарзандликка олиш учун боланинг отаси оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки вафот этган бўлиши, унинг ҳеч қандай қариндоши қолмаган бўлиши лозим. Бунлик фарзандликка олинган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бутунлай ўзгартирилади. Бола энди ҳақиқий ота-онаси билан ҳар қандай алоқани ўзати, уларнинг мол-мулкига эгаллик қила олмайди. Суднинг ҳал қилув қарори ва фарзандликка олувчининг аризасига биноан боланинг эски фамилияси ва ҳаётго исми ҳам ўзгартирилиши мумкин.

Фарзандликка олувчиларга қўйилadиган талаблар ҳар бир мамлакатда турлича. Масалан, Россия қонунчилигига асосан фарзандликка олувчи вояга етган, меҳнатга лаёқатли фуқаро бўлиши талаб этилса, Буюк Британияда ота-она фарзандликка олинувчидан камида 21 ёш катта бўлиши, Хитойда эса фарзандсиз, соғлом ва 30 ёшдан ошган бўлиши керак. Германияда фарзандликка олинувчи бола бўлгуси ота-онасининг қарамоғида бир йил давомидида синов тариқасида яшаб кўради. Бу муддат оила аъзолари билан бола ўртасида мослашув жараёни учун ажратилади ва шундан муваффақиятли ўтилаганига, иш судда кўрилади. Бразилияда ҳам шунга ўхшаш синов муддати жорий этилган бўлиб, унинг муддатини суд белгилайди.

Жаҳон бўйича энг мураккаб ва зиддиятли масала — вояга етган инсонларни васийликка

олиш ҳисобланади. Катталарни васийликка олиш одати тарихда Қадимги Римда кенг омалашган.

Вояга етганларни васийликка олиш баъзи давлатларда, хусусан, Япония ва Украинада йўлга қўйилган. Мисол учун, Японияда рафиқанинг онаси васийликка олиниши мумкин. Бу каби ҳуқуқий мақом қайнонани умрбод моддий таъминлашни назарда тутати. У вафот этганида, куёв ҳам тенг ҳуқуқли меросхўр сифатида ўз ҳаққини талаб қила олади.

Фарзандликка олиш тартиби барча давлатларда ўзига хос амалга оширилади. Бироқ мутахассисларнинг қайд этишича, фарзандликка олишда энг мукамал ва ҳолис баҳорни суд беради.

Шу сабабли, Япониянинг ҳар бир маъмурий бўлинмалари (префектуралар)да 1870 йилдан буён оилавий судлар фаолият юритади. Унда нафақат судья ва уларнинг ёрдамчилари, балки тиббиёт ходимлари, руҳшунос ва педагоглар ҳам хизмат қилишади.

Қунчиқар мамлакат қонунчилигига асосан, фуқаро ўзи ёки умр йўлдошининг яқин қариндошини фарзандликка олишига тўғри келганида суд қарори шарт эмас.

Буюк Британия ва АҚШда эса фарзандликка олувчиларни маҳаллий ҳукумат вакиллари излаб топишади. АҚШнинг фарзандликка олиш тартибидида бошқаларниқидан фарқланадиган хусусияти шундаки, у ерда мазкур тизим ягона умумдавлат ташкилот томонидан тартибга солинмайди, назорат қилинмайди. Фарзандликка олиш тартиби ҳар бир штатда алоҳида йўлга қўйилган.

Хитой ва Гватемала синга-

Учувчисиз йўловчи самолёти

Буюк Британияда ердан туриб узатиладиган сигналлар орқали бошқариладиган учувчисиз йўловчи авиалайнери илк бор синовдан ўтказилди.



British Aerospace Jetstream компаниясига қарашли маҳаллий рейсларда қатновчи самолёт Ланкашир графлигидан Шотландияга ва яна орта парвозни амалга оширди. Учиш масофаси 800 километрни ташкил қилди ва парвоз пайтида самолёт ердан туриб берилган бошқарув командалари ёрдамида бир нечта автоном манёврларни амалга оширди.


Ушбу парвоз пайтида амалда қўлланилган бошқарув тизими аввалги оддий йўловчи самолётларида фойдаланиб қелинган автопилот имкониятларига қараганда бир мунча афзалликларга эга. Энг муҳим жиҳатларидан бири бу — унинг ҳаво кенгликларидидаги тўсиқларни кўриш ва тўқнашув ҳалокатидан сақлаш механизмининг мавжудлигидир.

Синов парвози йўловчи самолётлари учун очик бўлган ҳаво кенгликларидида ўтказилди ва шу боис бу механизмнинг ишлаши текшириш учун виртуал тўсиқлардан фойдаланилди.

— Ҳозирги вақтда учувчисиз ҳавода парвоз қилаётган самолётни ҳаво кенгликларидидаги тўсиқларни ҳудди инсон кўзи каби илғай оладиган даражага олиб чиқиш устида иш олиб борилмоқда, — дейди BAE Systems ҳодими Ламберт Дюпплинг.

Sony сув остини забт этмоқчи

Sony компанияси сув остида Full HD форматида сурат ва тасвир олишга қодир янги Xperia ZR смартфонининг тақдимотини ўтказди.



Телефонда бир ярим метргача чуқурликда суратга олинади. Зарур ҳолларда аппарат ичига жойлаштирилган ёритгич ёрдамида сув ости саҳнасини ёритиш ҳам мумкин. Sony мутахассислари смартфонни ҳозирча фақат чуқур сувга тушириш лозимлиги ҳақида таъкидлашмоқда.

Смартфон ичига ўрнатилган камеранинг тиниклик даражаси 13 мегапикселни ташкил этади. Бошқа олдинги авлод телефонларидан фарқли равишда бу смартфон сурат ва тасвирларни HDR диапазонидаги ўта юқори аниқликда олади ва серияли фотосессия пайтида секундига 15 та кадрни суратга олиш имконига эга.

Смартфонга 4,6 дюймли экран ўрнатилган бўлиб, экраннинг тиниклик даражаси 1280x720. У тўрт ядроли Snapdragon S4 Pro процессорига, икки гигабайт оператив хотирага ва саккиз гигабайт ички хотирага эга бўлгани учун хизмат кўрсатиш муддати ҳам узоқроқ даврни ташкил этади. Xperia ZR аппарати Android 4.1 бошқарув тизимида ишлайди. Смартфон оғирлиги 138 грамм, қалинлиги 10,5 миллиметр.


Вулқон ва ер қимирлаши

Британиялик олимлар вулқон билан ер қимирлаши ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигини таъкидлашмоқда. Тадқиқотчиларнинг матбуотда эълон қилган мақоласида келтирилишича, кучли ер қимирлаши кузатилганидан кейин вулқонларнинг ҳаракати одатдагига нисбатан тўрт баробар фаоллашади.

Ўз мақолаларида олимлар Чили давлатида 150 йил давомида рўй берган ер қимирлашлари ва вулқонлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилдилар. Улар ер қимирлашлари эпицентрдан 1000 километр узоқликдаги масофада жойлашган вулқонларга таъсир ўтказди, деган хулосага келишди. Изланишлар жараёнида ҳаммаси бўлиб 15 та вулқон тадқиқ этилди.

Тадқиқот муаллифларидан бири журналистларга берган интервьюсида ер қимирлашининг таъсир доираси бу қадар улкан эканлигини олимлар кутмаганлигини алоҳида айтиб

ўтди. Бундан ташқари, вулқонларнинг ер қимирлашидан кейин дарҳол эмас, балки маълум бир муддат ўтганидан сўнг отилиши кузатилган. Ушбу кузатувлар натижаларидан келиб чиқиб, олимлар ер қимирлаши вулқонларни фаоллаштириб юбориши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Сейсмик тўлқинлар эпицентрдан тарқалиб, ер қаъридаги магмани тебратиб бир-бирига қориштиради ва натижада вулқон кратерида юқорига қараб босим ортиси ҳамда портлаш содир бўлишига олиб келади. Ер қимирлашидан анча вақт ўтганидан кейин вулқон оти-



лиши бир қарашда бир-бирига боғлиқ ҳодисага ўхшамайди. Аммо вулқон отилиши учун, кратер ичидаги босим етарли даражада кўтарилиши учун маълум фурсат ўтиши

инобатга олинса, тахминлар тўғри бўлиб чиқишига ҳеч қандай шубҳа қолмайди ва орадаги бу муддат айнан реакция учун сарфланадиган вақт, дея изоҳланади.

Кўчманчи микроорганизмлар

Америкалик биологлар уй ҳайвонлари ва уларнинг эгалари ўртасида микроорганизмлар алмашинуви рўй беришини илмий жиҳатдан асослашди.

Микрофлоранинг энг кўп бир-бирига мос келиши оила аъзолари терисининг юза қисмида кузатилган. Терида яшайдиган микроблар ўзининг дастлабки ривожланиш босқичида ҳар қанча антисептик воситалар қўлланилмасин, битта уйда яшайдиган барча жонзотларнинг биридан иккинчисига ўтиши таъдиқланди.

Олимларнинг таъкидлашича, микроорганизмларни бир танадан иккинчисига ташвишда итлар алоҳида ўрин тутати. Айнан ит боқиладиган хонадонлардаги одамларда микроблар кўп миқдорда бўлиши микроорганизмлар алмашинуви жараёнини кучайтиради.



Қизиғи шундаки, ёлғиз яшайдиган ит билан одамлар орасида яшайдиган ит солиштирилганда ёлғиз яшайдиган итда микроблар камроқ бўлиши таъдиқланди. Микроорганизмларнинг алмашинуви жараёни уларнинг кўпайишига ҳам замин ҳозирлайди.

Микроорганизмларнинг алмашинуви жараёни фақат ҳайвонларнинг тери юза қисмини

текшириш орқали аниқланган йўқ. Статистика маълумотлари шунини кўрсатмоқдаки, битта уйда доимий яшайдиган инсонларнинг оғиз бўшлиғи ва ичкаларидаги микрофлора ҳам бир-бирига жуда мос келар экан. Хонадонга меҳмон бўлиб келган одамларнинг оғиз бўшлиғи ва ичкалари текширилганда эса бундай бирхиллик кузатилмаган.

